

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК ()

ХАЛИКОВ БОБУР АЪЗАМ ЎҒЛИ

**Чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини
ривожлантириш**

**Магистратура мутахассислиги: 5A111501-Таълим ва тарбия назарияси ва
методикаси (чақириққача ҳарбий таълим)**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

“Ҳимояга тавсия этаман”

Магистратура бўлими
бошлиғи: _____ Ф. Сайдаматов

“ ____ ” ____ 2018

“Ҳимояга тавсия этаман”

Ҳарбий таълим факультети
бошлиғи, подполковник

_____ Л. Х. Давиров
“ ____ ” ____ 2018 й.

Илмий раҳбар: ЁБИ бўйича декан
мовуни _____ Ш.Р. Турсунов

Тошкент – 2018

КИРИШ.....

**I-БОБ. ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ МУАММОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ**

1.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти.....

**1.2. Педагогик маҳорат мезонлари тўғрисидаги тушунчаларнинг
ривожланиши.....**

**1.3. Педагогик маҳоратнинг шаклланиши, уни эгаллаш шарт-
шароитлари.....**

**1.4. Чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳорати
мазмуни ва тизими.....**

I-БОБ. ЧАҚИРИҚЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ МУАММОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ

1.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Қарорда баркамол авлод тарбияси ва уларнинг касбий маҳоратини аввало таълим муассасаларида ошириб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ҳам педагоглар ва тарбиячилар зиммасига улкан масъулиятлар юклади. Жумладан, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш”¹ муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни бекаму кўст амалга оширилиши учун бугунги кунда аввало бўлажак ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз такомиллаштириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қуйидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис”. Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи.
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби.

¹“АДОЛАТ” ижтимоий сиёсий газетаси. – Тошкент, 2010, № 4, 29 январь.

3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши.

4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Педагогик маҳорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат:

1. Педагогик инсонпарварлик талабларига бўйсунishi.

2. Касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукаммал билиш.

3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш.

4. Педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.


Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–ҳунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу масъулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллариини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, зарур шарт – шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий –методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчиларнинг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим.

Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» фани, маҳоратли ўқитувчиларни тайёрлашга хизмат қилади, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб борувчи фан бўлиб, ўқитувчиларда педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўллариини, воситаларини, шакллариини ўрганади.

Педагогик маҳорат ўқитувчилар ва тарбиячиларга педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда хулқ–атвориини ва ҳиссиётни

жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб боровчи **педагогик фаолиятлар** тизими тўғрисида маълумотлар беради. Педагогик маҳорат ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда махсус тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир. Бўлажак ўқитувчилар ўз педагогик фаолияти жараёнида фаолиятнинг қуйидаги таркибий қисмларини билиши лозим:



1-чизма.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчиларнинг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчиларнинг фаолияти **педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир**. Педагогик жараённинг объектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳига ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ижобий натижаларга эришиши, меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Ўқитувчиларнинг (чақириққача харбий таълим) педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизимини: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра

билиш, диққатни тақсимлаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Мазкур фаннинг мазмунидан касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш, унга раҳбарлик қилишда педагогик–психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндашиш, таълим – тарбияни миллий анъаналаримиз руҳида замонавий методлар асосида моделлаштириш, ўқув – тарбиявий жараёнда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш учун ўқитувчи маҳоратининг зарурлиги ҳақидаги маълумотлар ва уларни такомиллаштириш тизимлари ўрин олган.

Шунга кўра, «Педагогик маҳорат» фани касбга оид билим ва қобилиятларни ўқитувчиларда шакллантириш, ижодкорликни тарбиялаш, маҳорат, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун, педагогик техника, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат, нутқ маданияти тўғрисида маълумотлар бериб боради.

Бу мақсад бўлажак чақириқча ҳарбий таълим ўқитувчиларининг куйидаги вазифаларни мунтазам бажариб боришлари орқали амалга оширилади:

1. Бўлажак чақириқча ҳарбий таълим ўқитувчилари педагогик маҳоратнинг назарий ва методологик асослари билан қуроллантириладилар.

2. Педагогик маҳорат фанининг педагогик техника, педагогик ҳамкорлик (мулоқот), педагогик назокат, педагогик қобилият, тарбиячилик маҳорати, таълим жараёнини бошқариш, нутқ маданияти, тарбия технологияси, педагогик ижодкорлик, рефлексия каби таркибий қисмлари тўғрисидаги билимлар тизимини эгаллайдилар.

3. Бўлажак чақириқча ҳарбий таълим ўқитувчилари миллий урф–одат ва анъаналаримизда ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой ижодий меросларида акс этган педагогик маҳорат сирларини мустақил эгаллашга нисбатан ўзларида эҳтиёж ва ҳавасни ривожлантириб борадилар.

4. Эгалланган педагогик–психологик ва методик билимлар, кўникма ва малакалар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир бўлажак чақириқча ҳарбий таълим ўқитувчиси ўзининг шахсий педагогик маҳоратини шакллантиради.

5. Ўқув–тарбиявий жараёни жаҳон андозаларига хос сўнгги замонавий метод ва шакллар асосида ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини мунтазам ўзлаштириладилар.

6. Чақирикқача харбий таълим ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини такомиллаштиришлари учун шахсий–ижодий малака оширишнинг шакл, усул ва воситаларини эгаллайдилар.

7. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти, функцияси, тузилиши тўғрисида ўқитувчилар узлуксиз маълумотларни ўрганиб борадилар.

8. Юксак замонавий ахборот технологиялари ва портал тизимидан эркин фойдаланиш асосида ўз касбий маҳоратларини шакллантирадилар.


Бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчилар ва тарбиячиларни замон билан ҳамнафас бўлишга, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар бир чақирикқача харбий таълим ўқитувчиси шахсида мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини виждонан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижоат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади, ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялайди.

Хўш педагогик маҳоратнинг ўзи нима? Унга ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қуйидагича таъриф берилади:

Педагогик маҳорат – ўқитувчиларнинг шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. У ўз фанини мукамал билган, педагогик–психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллари излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиликни ўзида таркиб топтириши лозим. И.П. Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида таърифлаб, шундай ёзади: “педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик–психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларни мукамал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий–эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр мулоҳазасига ишончи ва қатъий иродаси тушунилади”.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қуйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг **асосий ташкил** этувчилари ҳисобланади:



2-чизма.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва масъулиятли жараёндан иборат. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, ўқитувчи доимо онгнинг ягона соҳиби бўлмиш инсоннинг таълим–тарбияси билан шуғулланиб, у билан мулоқот олиб боради. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шу сабабли, бўлажак ўқитувчилар тарбияланувчи билан доимий мулоқотда бўлиши, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология ва тарбия назариясини мукаммал ўрганиб, ўз касбий фаолиятини муттасил ривожлантириб бориши керак.

Ўқитувчиларнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон–эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, фаоллиги, одоб–ахлоқи, ватанпарварлик ва фуқаролик бурчини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва ўз мақсадларига интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаси билан фаол иштирок этиши киради.

Ўқитувчиларнинг касбий хусусиятларига: ўз касбини, болаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, ташкилотчилиги, нотиклик маданияти, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллект,

янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга нисбатан интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлиги шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1) Ўқитувчининг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги.
- 2) Ўқитувчининг руҳий – психологик тайёргарлиги.
- 3) Ўқитувчининг ижтимоий – педагогик ва илмий – назарий жиҳатдан тайёргарлиги.
- 4) Ўқитувчининг махсус ва ихтисосликка оид услубий билимларни эгаллаб бориши.

Яна таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчилар ҳамда тарбиячилар шахсий ва касбий сифатларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитувчи маҳоратини шакллантиришни таъминловчи омилларни, педагогик–психологик, методик билимларни доимий эгаллаб бориши лозим. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи **омиллар** қуйидагилар:

а) ихтисослик бўйича ўқув предметини, замон, илм–фан, техника тараққиёти даражасида мукамал билиши, унинг бошқа ўқув фанлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиши ва баҳолаши;

в) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиши;

г) ўқув – тарбиявий жараёни замон талаблари даражасида ташкил қилиш учун асосий педагогик–психологик ва методик маълумотларга эга бўлиши;

д) фанларни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиши;

е) жамоани «кўра билиш», ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишлари, уларнинг ҳаёт фаолиятларида учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва ҳамдард бўла олиш, ўз вақтида улар фикрини англай билиш, зукколик билан ҳар бир боланинг характер хусусияти, қобилияти, иродасини тушуниш ҳамда уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;

ж) ўз шахсий сифатлари (нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳоказо) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати педагогика олий таълим муассасаларида шаклланиб боради. Юксак савияли педагогик кадрлар тайёрлашга нисбатан талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўз касби билан узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган ўқитувчининг шаклланиши, бўлажак ўқитувчи умуммиллий мавқеининг ўсиб боришини таъминлайди.

1.2. Педагогик маҳорат мезонлари тўғрисидаги тушунчаларнинг ривожланиши

Педагогик маҳорат мезонлари муаммосига ёндашиш, таълим мазмуни, хусусияти, шартларидаги ўзгаришларни аниқловчи замонавий ижтимоий-маданий тараққиётнинг бош тенденцияларидан келиб чиқади.

Сўнгги йилларда фақат ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти миқдорий ёки айрим шахсий ва бошқа кўрсаткичлари натижаларига кўра ўлчаниб баҳоланиб келинган. Таълим самарадорлигини замон талаблари даражасида ошириб бориш муаммосининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш учун ўқитувчининг педагогик маҳорати даражасини қандай мезонлар асосида ўлчаш мумкин? Ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини қандай ўлчам билан баҳоланади? Бу саволлар мазмунида жамиятимизнинг таълим муассасалари ўқув жараёни самарадорлигига қўйиладиган асосий талаблари ва вазифалари мужассамланган. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, педагогик маҳоратнинг асосий мезонлари ўқитиш жараёни, унинг маълум мақсад сари йўналганлиги (педагогик тамойиллар, таълим мазмуни мантиғи, принцип ва мазмунини қўллашнинг педагогик жиҳатлари) ўқувчини баркамол инсон даражасида тарбиялаб, билим ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилган.

2-иловада педагогик маҳорат мезонлари, унинг ривожланганлик даражасини ўлчаш методлари ва кўрсаткичлари келтирилган. Кўриниб турибдики, ўқитувчининг педагогик маҳорати мезонлари азалдан таниқли мутафаккирлар, алломалар, кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини ўрганиш ҳақидаги муаммолар таҳлили, изланишлар, илмий-тадқиқотлар барча замонларда ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Таълим ва тарбия кўламининг ривожланишига қараб педагогик маҳоратни ўрганишнинг восита ва методлари сезиларли даражада кенгайганлиги, 2-иловада берилган мезонларнинг мазмун ва моҳияти янада бойиб боришига сабаб бўлган. Бу тенденция учун *процессуал (интеллектуал, иродавий, эмоционал), фаолиятли ва касбкорликка йўналтирилган педагогик маҳорат хусусиятларини* ўрганиш педагог олимлар

ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятларига асос бўлган. Демак, таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунгача йиғилган маълумотлар педагогик маҳоратнинг субъектив ва объектив даражаларини ёритиб беради.

Чақириққача харбий таълим ўқитувчисининг педагогик маҳоратини баҳолашда эса қуйидаги фаолият хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади:

- ўқувчилар томонидан ўрганилаётган билимлар сифати;
- ўқув предметини ўрганишга қизиқиши;
- ўқувчининг шахс сифатида ижодий қобилиятлари ва иродавий

хислатларининг ривожланиши.

Ўқувчиларнинг таълим олишида мустақил фаолиятга нисбатан қобилияти ҳамда ўқитувчи касбий фаолиятининг функционал натижалари қуйидаги муҳим таркибий қисмлари билан ажралиб туради: *таълимда мақсаднинг ўқувчи олдига тўғри қўйилиши; таълим ва таълимдан ташқари фаолият методлари билан қуроллантириш; фанга бўлган қизиқишни уйғотиш; ўқувчилар жамоасини жипслаштира олиш; ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш*. Бу тавсифларнинг қизғин фаолияти табиий ҳолдир, чунки педагогик маҳорат муаммоси биринчи навбатда таълим сифати натижалари орқали ҳал этилади.

Баъзи тадқиқотчи олимлар ҳозирги кунда ҳам ўқитувчи педагогик фаолиятида эришилган натижа муҳим деб ўйлайдилар. Демак шундай савол туғиладики, ўқитувчининг қандай йўл билан ижобий натижаларга эришгани унчалик муҳим эмас. Бунда нотўғри хулоса келиб чиқади, яъни педагогик маҳорат мезонларини аниқлашда миқдорий кўрсаткичларнинг (якуний, оралик ва жорий назорат ишлари натижалари, фанларни ўзлаштириш фоизи, аъло баҳоларга ўзлаштираётганлар сони, аълочилар сони) таҳлили билан чекланиб қолинади ва яхлит педагогик фаолиятни чуқур ўрганиш эътибор четда қолиши мумкин.

Педагогик маҳорат даражасини баҳолашда ва педагогик фаолият сифатини аниқлашда, ўқитувчининг субъектив, жисмоний ва хулқ-атворига оид психологик таъсирланишлари, унинг техник ҳаракатлари – уларнинг маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги, тезлиги, аниқлиги, ритми каби турли хил кўрсаткичлари ўрганилади. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган фаолият билан алоҳида (педагогик фаолиятни яқиндан моделлаштирувчи лаборатория шароитида) ва чамбарчас боғлиқликда намоён этилади. Бир-бирига ўхшаш тадқиқотларда педагогик маҳорат мезонлари деб қайд қилинаётган кўрсаткичларнинг фаолиятли, процессуал ёки шахсий тавсифларининг тўғридан-тўғри таъсирини учратиш мумкин.

Шубҳасиз, ўқитувчининг шахсий ва касбий фаолиятни олиб бориш (эмоционал, маданий, иродавий, интеллектуал) хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар ва аниқланган хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, педагогик фаолиятнинг узлуксиз ўзгариб турадиган шартларида ўрганилиши керак. Бироқ ўқитувчининг бир-бирига ўхшаш мувофиқ ва номувофиқ кўринишдаги ўзаро алоқадор хусусиятлари ҳар доим ҳам қуйи даражадаги педагогик маҳорат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмайди.

Касбий педагогик фаолият шароитида ўқитувчининг техник, вербал, хулқ-авторга оид ҳаракатлари ва физиологик таъсирланишлари макон ва замон тавсифларининг ўзаро боғлиқлиги динамикаси хусусиятларини экспериментал ўрганишнинг ўтказилган цикли натижалари ҳамда шу ўзаро боғлиқликлар натижаларининг педагогик маҳорат кўрсаткичлари билан қиёсланиши, қуйи даражадаги педагогик маҳоратнинг мезони бўлиб хизмат қила олмайди. Аксинча ўқитувчининг педагогик маҳоратига нисбатан таърифнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва узлуксиз ўзгарадиган шароитда фаолият мақсадига эришиш учун зарур бўлган кўрсаткичларнинг ўзаро таъсирини билдиради. Айтиш жоизки, агар ташхис қилишда маълум бўлган ва ҳали идрок қилиниши керак бўлган физиологик, жисмоний, субъектив хулқ-атвор ва бошқа кўрсаткичларнинг барчаси киритилса ва эътиборга олинса, унда ўзаро таъсирнинг турлари ниҳоятда кўп бўлиши мумкин. П.К.Анохиннинг таъкидлашича, “...инсон ўз фаолиятининг барча заҳираларини деярли ҳеч қачон ишлата олмаслигини тушуниши учун касбий фаолиятидаги “кўплик”ни тасаввур қилиши кифоя”².

Шунингдек, педагогик маҳорат мезонларини аниқлаш учун педагогикада ва психологияда берилган кўплаб туркумдаги ташхис кўрсаткичларини қўллаш ўзини оқламайди, чунки ўлчанаётган кўрсаткичларнинг психологик механизми бир хил эмас, масалан: *таълим олувчи объект товушининг баланд-пастлигига нисбатан ўқитувчининг таъсирланиши ва ўша ўқитувчининг ўқувчи хулқ-атворидан тез таъсирланиши, ёки жамиятнинг урф-одат ва анъаналарига, мафкурасига асосланган ижтимоий муҳитга ўқитувчининг мосланиши.*

Педагогик маҳоратга нисбатан ташхис масаласини ҳал этишда бундай ёндашиш етарли эмас, сабаби у ўқитувчи касбий фаолиятида қўлланиладиган ўзига хос педагогик шартларни кўзда тутмайди ва энг муҳими, фаолиятга,

²Анохин П.К. Принципиальные вопросы общей теории функциональных систем //Принципы системной организации функций – М.: Наука, 2010. С. 5-61.

унинг ривожланишига натижанинг тескари таъсири тизимларини ўз ичига олмайди.

Педагогикада “ўзаро мақбуллик” атамасининг кенг тарқалганлигига қарамай, ҳозирги кунгача илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинмаган. Илмий педагогик тадқиқотларда ўзаро мақбулликни “воситаларни танлашда ҳамжиҳатлик” (79) ёки “муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатлик” (110, 114) деб аташади, улар бунда миқдорий кўрсаткичнинг экспертнинг баҳо методи ва назорат ишларини ўтказиш ёрдамида ўлчаниши мумкинлигига таянишади. Баъзи олимлар юқори педагогик натижага эришишга инсон қобилиятининг аҳамиятини (ўқитувчининг педагогик тайёргарлик даражасига эгаллиги, ёки касбкорликка оид ҳислатларининг мавжудлиги) кўрсатишади. Масалан:

1. “педагог меҳнатининг натижалари” (Н.В.Кузьмина);
2. “ўқувчиларнинг билими, қобилияти ва кўникмалари даражаси” (М.Н.Скаткин);
3. “ўқувчиларнинг билимларни мукаммал ўзлаштириши” (М.И.Махмутов);
4. “серунумлилик (таълим муассасаси ўқувчилари билими ва тарбиясида эришилган натижалар даражасига кўра)” (М.Н.Скаткин);
5. “таълим ва тарбияда ўқувчи баркамол ривожланишида юқори натижаларнинг қайд этилиши” (Г.В.Брагина).

Баъзан ҳамжиҳатликка мос бўлмаган миқдорий мезонларни касбий фаолиятда қўлланилишини ўрганаётган тадқиқотчилар педагогик маҳоратни ташхис қилишда сифат ва миқдор кўрсаткичларни қўллайдилар. Бу ҳолатда ҳамжиҳатликка асосланган мақбул даражани излаш вазифаси қуйидаги кўрсаткичларга тўғри келади:

- фаолият серунумлигини баҳолашда тавсифланадиган кўрсаткичга;
- ҳар хил таъсирланишларнинг ўзаро боғлиқлиги хусусияти ҳақидаги маълумотларнинг йиғиндисини билдирадиган интеграл кўрсаткичга;
- ўқитувчининг ўзгарувчан хулқ-атвorigа, ҳар хил зиддиятлар ва турли педагогик вазиятлардан таъсирланиши бўйича аниқланадиган асосий маълумотлар йиғиндисини билдирадиган интеграл кўрсаткичга.

Гностик, креатив, хулқ-атвор, оғзаки нутқ ва бошқа интеллектлар билан боғлиқ бўлган ўқитувчи педагогик маҳорати мезонларининг хусусиятлари шубҳасиз, интеллектларнинг мазмунан бой, динамик тавсифлари сифатида педагогик маҳорат даражасини белгилайди. Шу билан бирга илмий тадқиқот ишларида берилган (масалан, педагогик амалиётда ва илмий адабиётларда, экспериментал маълумотлар таҳлилидан келиб чиқадиган) индивидуал

интеллект хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган ўқитувчининг ташқи таъсирланишларини кузатиш натижасида олинган маълумотларга тўғри келмайди. Демак таъкидлаш жоизки, ўқитувчи касбий фаолиятида ташқи ҳулқ-атвор мезонларининг педагогик маҳорат даражасига мос келиш масаласи жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Келтирилган натижалар асосида педагогик маҳорат мезонларига қўйилган олимларимизнинг “эксперт баҳолари” педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари учун етарли эмас. Тўғри берилган баҳо педагогик фаолиятнинг таркибий қисми тузилмаси ҳақидаги қоидага асосланиши ва барча таркибий қисмларга тегишли бўлган мезонларнинг ҳар бир қисми учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиши керак. Педагогик маҳоратга берилган таҳлилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олмасдан “эксперт баҳоларига” таяниб, педагогик маҳорат мезонлари даражасини аниқлаш қийин. Субъектив эксперт шкаласи педагогик маҳорат даражасини таърифлайдиган барча белгиларга эга бўлиши керак. Педагогик маҳоратни мукамал баҳолай олмайдиган ўқитувчилар учун касбий маҳоратнинг аломатларини қайд қилиш восита ва методларини ўз ичига оладиган дастурлар асосида ўқитишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда мана шундай интегратив педагогик маҳорат мезони бутун бир педагогик фаолият ҳисобланади, деб ўйлаш мумкин. Келгусида педагогик фаолиятни бошқариш жараёни механизмларини профессионал – ўқитувчи билан қабул қилинган мақсадга эришишнинг муваффақият кўрсаткичлари асосида қуриш учун унинг хусусиятларини мажбурий ва тизимли қиёсланиши билан очиқ бериш зарур. Шу нуқтаи назардан педагогик маҳорат мезонлари муаммоси ўқитувчининг турли даражадаги характер хусусиятларини белгиловчи психологик ўлчовни ҳосил қилади.


1.3. Педагогик маҳоратнинг шаклланиши, уни эгаллаш шарт-шароитлари

Турли объектив педагогик вазиятларда ўқитувчиларнинг педагогик маҳорат даражаси қандай намоён бўлиши ҳақидаги масаланинг ўрганилиши экспериментал маълумотларимизда қуйидагича акс этган. Тадқиқотда турли хил касбий тайёргарликка эга бўлган 30 нафар турли ёшдаги ўқитувчилар иштирок этишди. Уларнинг барчасига оддий синфлар ва контрол синфларда дарс олиб бориш таклиф қилинди. Дарс жараёнида эришилган натижаларни аниқлаш мақсадида уларнинг педагогик фаолияти хусусиятлари қайд қилинди. Икки хил объектив вазиятлар ўзаро таъсири хусусиятларини ҳар бир ўқитувчи

педагогик фаолияти жараёнида сифат ва миқдор хусусиятлари билан қиёсланиб, уларга тўғри келмайдиган вазиятлар аниқланди. Масалан, педагогик фаолият хусусиятлари (ўзининг мазмун ва динамик тавсифлари бўйича) кўпинча ўқитувчиларда икки хил педагогик вазиятларда, яъни контрол синфда ва оддий синфларда фарқланди.

Педагогикада бир қатор илмий ва методик адабиётларнинг таҳлили (31, 32, 34, 36, 42, 44, 50, 63 ва б.) шуни кўрсатадики, педагогик маҳорат ўз хусусиятига кўра иккита асосий омиллар гуруҳига ажратилади: булар педагогик маҳоратнинг шаклланиш даражасини белгиловчи **ташқи ва ички** омиллардир.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиши ва намоён бўлиши самарадорлигини англатувчи ташқи омиллар



3-чизма.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиши ва намоён бўлиши самарадорлигини англатувчи *ташқи омилларга* объектив мавжуд бўлган, туркумлаштирилган воситалар киритилади.

О.А.Конопкиннинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда субъектив фаолиятнинг ташқи, объектив сабабларга бевосита боғлиқлиги ҳақидаги қоида педагогик

маҳоратни таҳлил қилишда тўлиқ қаноатлантирмайди. Бироқ, амалий хусусиятдаги тадқиқотларда, яъни кенг доирада амалий вазифаларнинг турли хил фаолиятнинг аниқ шартлари учун муайян миқдорий маъноларни кидиришга йўналтирадиган тадқиқотларда ҳар доим ҳам бу қоидадан ташқарига чиқиш имконияти йўқ. Кўп ҳолатларда “ташқи сабаблар” таъсирини бевосита ифодаловчи “ички шартлар”дан чеккага чиқиб мавҳумлаштириш ҳолати содир бўлади³.

Мукаммал педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларда педагогик маҳорат мезонларининг хилма хил ўзгарувчанлиги аниқланди, қуйи даражадаги педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларда эса бундай ўзгарувчанлик сезилмади. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бир хил педагогик вазиятлар – объектив салбий ёки ижобий ўқитувчиларда турли мазмундаги фаолият тавсифларини (ҳаракатлар, жараёнлар) мураккаблаштириши мумкин. Улардан биридаги фаолият хусусияти юқори даражадаги педагогик маҳоратнинг шаклланганлиги ҳақида, бошқаларидаги фаолият хусусияти эса, унинг қуйи даражаси ҳақида маълумот беради. Педагогик маҳоратнинг қуйи даражаси ташқи омилларининг педагогик маҳорат билан қатъий муносабати йўқлигини тасдиқлайди. Ташқи объектив сабабларнинг таъсири ҳаёлий образлар, тасаввурлар, интеллектуал ҳаракатлар ва жараёнлар орқали бевосита ифодаланиши содир бўлади: ташқи сабаблар мазмуни касбий фаолият мазмунига боғлиқ, унинг сифатий тавсифи ўқитувчининг ички хусусиятлари ва тажрибаси билан боғланган.

Ушбу маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, бир хил ташқи омиллар турли субъектларда мазмунига кўра педагогик маҳорат кўринишларини юзага келтириши мумкин. Демак, ташқи омиллар педагогик маҳоратни ривожлантирувчи бир бирига боғлиқ ҳодисалар сифатида кўриб чиқилмайди. Педагогик маҳорат даражасини тушунтиришга, фақат ташқи сабаблар таҳлилига асосланиб, яъни объектив тавсифлар орқали унинг табиатини очиб беришга бўлган ҳар қандай уриниш ўз-ўзидан амалга ошмайди. С.Л.Рубинштейн “...ташқи омиллар мазкур ҳодисага дуч келиши мумкин бўлган ташқи ўзига хос таъсирлар доирасини белгилайди” дейди. (90, 137-б.).

Педагогик маҳоратда ўзаро таъсир хусусиятларига кўра **ички омиллар** ўз қиёсий шаклига нисбатан, индивид фаоллигининг субъектив мазмунига тааллуқли бўлган барча воситаларни қамраб олади. Субъектив шакл индивидуал организмнинг хусусиятидир, аниқ индивидуал онгнинг ўзгарувчан асаб тузилмалари ва асаб марказлари ташқи ҳолатда мавжуд бўлмайди ва

³ Конопкин О.А. Психологические механизмы регуляции деятельности. – М.: Наука, 2000.

объектив борлиқнинг бевосита кўзгу нусхаси бўлиб ҳисобланмайди.

Илмий тадқиқотлар таҳлили педагогик маҳоратнинг ташқи педагогик вазиятларга боғлиқлигини кўрсатиб, ички омилларни ўрганишда қуйидаги тўртта асосий жиҳатларга таянишини эътироф этади:

Ички омилларни ўрганишда мавжуд бўлган тўртта асосий жиҳат.

1. Педагогик маҳорат хусусиятлари физиологик жиҳатдан ташкил қилинган, етакчи анализаторлар ёки шахс темперамент турлари асаб тизимининг хусусиятлари билан ифодаланади;

2. Инсон ҳаёти жараёнида эгалланган мустаҳкам шахсий ижтимоий-психологик ҳислатлар педагогик маҳорат хусусиятларидан келиб чиқади;

3. Педагогик маҳорат инсоннинг бутун руҳий фаолияти ва характеридаги айрим динамик тавсифлар билан мукаммал боғланади;

4. Педагогик маҳоратнинг ривожланиши ўқитувчининг асаб тизими ва темперамент хусусиятларига бевосита боғлиқлиги.

5. Анализатор – ташқи таассуротларни қабул қилувчи тизим – сезги органлари. Русча-ўзбекча луғатъ 1-т. -Т., 1983, 30-б.

4-чизма.

Инсоннинг физиологик жиҳатдан тузилиш хусусиятларининг педагогик маҳорат билан боғлиқлиги ҳақидаги тахминлар қадимги юнон мутафаккирлари асарларида ҳам эътироф этилган. Улар ички тана, ҳулқ-атворнинг ташкилий тизимлари ва аниқ шакллари эҳсан тизимлари ўрганиш ҳақиқий имкониятига эга бўлмасдан, амалий кузатишлар натижасида ўз хулосаларини келтирганлар. Масалан, гуманитар назария соҳиби бўлган Гиппократнинг фикрга кўра, инсон организмдаги қон, сафро, шилимшиқ парда – лимфалар, флегмалар, жигар фаолияти муайян ўзаро боғлиқликда турли хил сангвиник, холерик, меланхолик ва флегматик темпераментли кишиларнинг психологик хусусиятларини шакллантиради. Ҳозирги пайтда кўпгина муаллифларнинг фикрича (48, 69, 90, 95) инсон организмдаги анатомик шакллар касбий фаолиятнинг сифат ва динамик хусусиятларини белгилаб беради.

Л.С.Выготский (36), В.И.Зверева (44), А.К.Маркова (66), Б.А.Вяткин каби олимлар инсон хулқ-атвори тизимининг мукамал шаклланганлиги ва касбий фаолиятининг серунумлигига кўра асаб тизими хусусиятларини ўрганувчи тадқиқотлар олиб боришган.

Касбий фаолиятнинг серунумлиги барчага бир хил бўлмаслиги инсон физиологик, жисмоний хусусиятларига кўра фарқ қилиниши тўғрисидаги муаммолар кўплаб олимларнинг тадқиқотларида қайд этилган. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, ушбу тарқоқликнинг сабабларидан бири асаб тизимининг бир хил хоссасини ташхис қилувчи турли хил кўрсаткичларнинг номувофиқлиги ҳисобланади. Шунинг учун инсон касбий фаолиятида физиологик хусусиятларини келгусида ўрганишга уриниш, хусусий асаб тизими хоссасини ўрганишдан воз кечишдан иборат бўлиши керак. Уларни В.Д.Небылицин таъкидлаганидек, қандайдир фаолият ва хулқ-атворнинг мазмунан бой, сифат хусусиятларини, бутун мия-асаб тизими кўрсаткичларини фаоллаштиришга боғлаш қийин. Индивидуал шахсий ёки фаолиятли хусусиятларнинг асосий физиологик детерминантлари сифатида муаллиф муайян мия тузилмалари фаолиятини ўрганиш ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган умумий асаб тизими хоссаларини кўриб чиқишни таклиф қилади⁴. Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида, қуйидагиларни қайд қилиш мумкин: кўпгина тадқиқотчилар узоқ вақт давомида инсон фаолияти ва хулқ-атвори хусусиятлари физиологик моҳиятини ўрганишга улкан ҳисса қўшганлар. Улар вазият ва талабларга кўра инсон фаоллиги ва касбий фаолиятини унинг хулқ-атвори хусусиятлари физиологик моҳияти, асаб тизимининг хусусиятлари бошқаради деб таъкидлайдилар. Сўнгги пайтларда мустаҳкам асаб тизими фаолиятининг вегетатив, биокимёвий, электроэнцефалографик, экспрессив ва бошқа кўрсаткичлари маълум бўлди. Уларни фаоллаштириш (активация) тушунчаси ҳам киритилиб, у касбий фаолият сифатидан қатъий назар унинг фақат ижобий томонини тавсифлайди.

Психолог олимлар Вундт ва Йееркс-Додсон тадқиқотларида инсон физиологик фаоллигининг мақбул даражаси, бу касбий фаолият самарадорлигининг узоқ муддат сақланишига эришишида деб ифодаланган. Ушбу ҳодисалар шунингдек, педагогик маҳоратнинг энг муҳим морфологик хусусиятларида, серунум касбий фаолиятни ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди. Турли хил касбий фаолият шароитида иккита қарама-қарши кўрсаткич кутблари юзага келганда, масалан, асаб тизимининг ўзгарувчан

5. Небылицин В.Д. Основные свойства нервной системы человека как нейрофизиологическая основа индивидуальности. -М.: Педагогика, 1978.- С. 259-336.

хусусиятларининг қизгин касбий фаолиятида ҳам ижобий, ҳам салбий вазифани бажариши мумкин.

Кўпгина илмий тадқиқот ишларида инсон фаолияти ютуғи, унинг касбий маҳорати шахснинг турли хил ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғланиши таҳлил қилинган. Масалан, Х.Дж.Айзенк – (89) ва Дж.Тейлор – “Хавотирликнинг намоён бўлиш шкаласи (Шкала проявления тревоги)” (69) асарида шахснинг невротизм, интро ва экстраверсия, ютуққа эришиш ва муваффақиятсизликдан четланиш мотивацияси, эмоционал туйғуларга берилмаслик каби хусусиятларини ижтимоий-психологик шахс ҳислатлари даражасида турли саволномалар ва тест вариантлари ҳамда лойиҳавий ва психомотор тестлар ёрдамида аниқлашнинг профессиограммасини ишлаб чиққанлар.

Ушбу ҳислатларнинг минимал даражасига эга бўлган индивид, масалан, *интро ва экстраверсия* ўртасидаги *невротизм*нинг босиқлик хусусияти, ёки бу ҳислатнинг юқори даражасига эга бўлган индивид *интро ва экстраверсия* ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига эга бўлган индивидга қараганда касбий фаолиятни янада муваффақиятли бажаради. Бироқ, бошқа қарашларнинг етарли катта миқдори мавжуд – юқори даражадаги хавотирлик ва невротизмнинг ҳулқ-автор ва фаолият серунумлиги мақсадга мувофиқлигига ижобий таъсир қилади. Муаллифлар фикрича юқори даражадаги асабийлик ўрнини, юқори даражадаги интеллектуал хусусиятларнинг ривожланиши босиши мумкин. Хавотирланиш инсон организмнинг асаб тизимида узлуксиз ўзгаришлар бўлиб турадиган вазиятларига мослашиши тасдиқланган.

Касбий фаолиятни шакллантиришни таъминловчи шахсий омиллар тизимида, шубҳасиз, бошқа кўпгина ижтимоий-шахсий хусусиятларнинг, мотивацион ва инсон дунёқарашига оид тавсифларнинг ўрни беқиёс. Бироқ, шу ва кўпгина бошқа омилларнинг таҳлили натижалари шундан далолат берадики, уларнинг серунум фаолияти педагогик маҳорат даражасининг шаклланиши учун аҳамияти бир хил эмас.

Шундай қилиб, таҳлиллар натижасида қуйидагича хулосага келиш мумкин: биринчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, интегратив шахс ҳислати сифатида аниқланганлигини эътироф этилади; иккинчидан, педагогик фаолиятни амалга оширишга таъсир қилувчи омилларга ижтимоий-психологик, физиологик ва руҳий-физиологик кўрсаткичларнинг ташқи ҳамда ички сабаблари киради; учинчидан, айрим индивидуал хусусиятларнинг педагогик фаолият серунумлиги кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги

ҳақидаги маълумотларнинг бир-бирига ўхшамаслигини ҳисобга олиб, педагогик маҳорат муаммоларининг баъзи бир тадқиқотларида унинг ўрганилиши “қандайдир тизим” сифатида олиб борилади. Тўртинчидан, педагогик маҳоратни шакллантиришга нисбатан бундай мажмуали ёндашиш олий малакали ўқитувчи “моделли тавсифи”ни ёки педагогнинг “юксак модели”ни қуриш учун қўлланилади. Бешинчидан, ўқитувчининг “Юксак модел”ини мажмуали ўрганиш ва уни ривожлантирувчи билимларнинг тўпланиши натижасида амалий йўналганлик бир бутунлик, функционал бирлик, тизимли ташкил этилади.

Ёш ўқитувчиларнинг, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзларини касбий жиҳатдан такомиллаштириб бориш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига ривожланиб боради. Уларни қуйидаги **воситалар** асосида янада ривожлантириш мумкин:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш (педагогика фанида рўй бераётган энг сўнгги янгиликлар ҳақида маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, портал тизими, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Тажрибали устоз ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт ва иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир).

3. Ўқитувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ва институтларида касбий малака ва кўникмаларни ошириб бориш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогикўқиш ҳамда тренинглар)да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида ўз тажрибаларини ошириш, касби бўйича энг сўнгги маълумотларни ўрганиш.

Педагогик маҳоратни эгаллашда гуруҳли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил

қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари топиш имконияти мавжуд.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш гарови бўлибгина қолмай, айтилган вақтда ўқитувчиларнинг жамоада, ижтимоий муҳитда обрў-эътиборини оширади, ўқувчилар орасида унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

1.4. Чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳорати моҳияти, мазмуни ва тизими

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш”⁵ муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни бекаму кўст амалга оширилиши учун бугунги кунда аввало бўлажак ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз такомиллаштириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий -сиёсий жиҳатдан чиниқтириб табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятларни ҳал этади.

ХХІ асрда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг барча талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, соғлом ва

⁵ “АДОЛАТ” ижтимоий сиёсий газетаси. – Тошкент, 2010, № 4, 29 январь.

баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини замон талаблари даражасидаги билимли шахслар этиб вояга етказиш, ҳозирги кунда ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиёти ва эркин меҳнат бозорининг барча талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш – ўқитувчилардан жуда мукаммал педагогик маҳоратга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда фаолият юритаётган таниқли педагог олимлар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик маҳоратни шакллантириш масаласига алоҳида муаммо сифатида жиддий эътибор бермоқдалар.

Педагогик маҳорат – ҳар бир ўқитувчи ва ёшларга касб-ҳунар ўргатувчи мураббий учун эришиши ва мунтазам тарзда такомиллаштириб бориши зарур бўлган таълим-тарбия бериш санъатидир (1-жадвал). Бу ўқитувчининг педагогик тизимда таълим-тарбияни замон талаблари даражасида олиб боришни, ўқувчиларнинг билими, дунёқараши, тафаккури, қобилият ва кўникмаларини ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган касбий кўникма ва малакаларни мунтазам эгаллаб боришни тақозо этадиган узлуксиз фаолиятдир.



1-жадвал. Педагогик маҳоратнинг тармоқланиши

Касбий маҳорат соҳиби – “Ўз ишининг моҳир устаси ёки янгилик яратувчиси”⁶. Маҳоратли ўқитувчи – бу юқори даражадаги маданият ходими, ўз ишининг устаси, ўз фанини мукаммал эгаллаган етук тафаккур эгаси, таълим-тарбия методикасини, психологик билимларни, турли фан ва техника соҳаларидаги янгиликларни чуқур биладиган дунёвий билимлар соҳиби, болаларни самимий севувчи, ватанпарвар, фидойи инсондир.

Педагогик тизимда педагогик маҳоратнинг моҳияти ўқитувчининг касбкорликка йўналтирилган вазифаларни маромига етказиб бажариши жараёнида унинг шахс сифатидаги ҳаракатларида намоён бўлади ва педагогик фаолиятида муваффақиятларга эришишни таъминлаш гарови ҳисобланади.

Педагогик маҳорат қизғин касбий фаолият жараёнида юзага келади, лекин у фаолиятнинг бир тури саналмайди. Педагогик маҳорат махсус кўникмаларнинг юқори даражада ривожланганлиги билан характерлансада, бу энг муҳими эмас. Энг асосийси – ўқитувчининг педагогик тизим жараёнида ўз ўқувчилари фаолиятини маҳорат билан бошқаришда эгаллаган позициясининг тўғрилигидадир.

Барча касбий фаолиятлар таркибида бўлгани сингари педагогик фаолият таркибида ҳам ўзига хос ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган, қуйидаги компонентлардан иборат бўлган *фаолият турлари* мавжуд: *мақсад, восита, объект, субъект*.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг **мақсади** асосан мазкур жамият томонидан белгиланади. У ўз меҳнатининг якуний натижаларини эркин танлаш ҳуқуқига эга эмас, зеро унинг ҳаракатлари, қизғин ижодий фаолияти ўқувчиларни баркамол шахс сифатида ҳар томонлама ривожлантиришга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлади.

Н.В.Кузьмина педагогик фаолият структурасида ўзаро боғлиқ тўртта: конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив ва гностик компонент ва мос равишда фаолиятнинг тўрт турини ажратади. Педагогик фаолиятнинг бу функционал турларини муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчининг ўз касбига нисбатан тегишли кўникма ва малакалар талаб этилади.

Конструктив фаолият, ўз навбатида, конструктив-мазмунли (ўқув материални саралаш ва композициялаш, педагогик жараёни режалаштириш ва қуриш) ҳамда конструктив-оператив (ўзининг ва ўқувчиларнинг

⁶Даль В.И. Толковый словарь русского языка. Современная версия. – М., 2000.

ҳаракатларини режалаштириш), шунингдек, конструктив-материал (педагогик жараённинг ўқув-моддий базасини режалаштириш) фаолиятга бўлинади.

Ташкилотчилик (ташкилий) фаолияти ўқувчиларни фаолият турларига жалб қилиш, жамоа яратиш ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишга қаратилган ҳаракатлар тизимини бажаришдан иборат.

Коммуникатив фаолият педагогнинг тарбияланувчилар, мактабнинг бошқа педагоглари, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатишга қаратилади.

Гностик фаолият янги билимларни эгаллаш, ўрганилиши керак бўлган ҳодисаларни ва уларнинг алоқа ҳамда муносабатларини таҳлил, тизимлаштириш, умумлаштириш, тасниқлаш, структуралаштириш, баҳолаш билан боғлиқ.

Педагогик фаолият, авлодларнинг ижтимоий узлуксизлигини амалга оширишга, ёшларни ижтимоий алоқалар тизимига олиб киришга, ҳар бир инсондаги табиат томонидан инъом этилган имкониятларини рўёбга чиқаришларига, ҳаётий тажрибаларни эгаллашларига хизмат қилади.

Ўзга бир инсонларнинг фаолиятини бошқариш (таълим-тарбия бериш) имкониятининг мавжудлиги, ўқитувчи педагогик фаолиятининг мақсадини белгилайди ва бевосита тарбияланувчиларнинг келажаги учун жавобгарлиги билан асосланади. Мамлакатнинг порлоқ келажаги учун мустаҳкам пойдевор куриш ўқитувчи учун аниқ ва тушунарли жараёндир. Таълим-тарбия жараёнининг мураккаб ва машаққатли эканлигини, шу соҳада олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этувчи онгли фуқаролигини теран англаб етган моҳир ўқитувчи ўз фаолияти мантиғини ўқувчи эҳтиёжлари асосига куришга ҳаракат қилади.

Педагогик фаолият мақсадларининг ўзига хослиги шундаки, ўқитувчидан жамият олдида турган ижтимоий вазифаларни амалга оширишни онгли шахс сифатида англашни тақозо қилади. Қачонки, жамият мақсадлари ўқитувчи позицияси нуқтаи назарида “ўз аксини” топсагина ўқитувчи ўз олдида турган вазифаларга ижодий ёндаша олади, ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларини тўғри инобатга олган ҳолда уларни таълим мақсадларига хизмат қилдиришга йўналтиради.

В.А.Сухомлинскийнинг эътироф этишига кўра, фақат маънавий-маърифий тарбияга эътибор қаратилган таълим муассасаларида шахсда педагогик фаолиятнинг муҳим *воситалари* бўлмиш, ҳақиқий ақл, ирода, эътиқод, бурч, масъулиятни ҳис этиш, мажбурият, ўзгаларга инсонпарварларча эътибор ҳисси тарбияланади.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хос **объекти** куйидагиларда ўз аксини топади: Инсон – ҳаётда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларига ва қарашларига эга бўлган ҳамда бетакрор индивидуал хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган фаол мавжудотдир. Шунингдек, у ўз шахсий хулқи, қизиқишлари, мақсадига эга бўлган педагогик жараённинг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Демак, инсон педагогик фаолиятнинг объектидир, шу билан бирга бир вақтнинг ўзида у субъект ва ижод қилувчи ҳам ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир инсон педагогиканинг таълим-тарбиявий таъсирига ўзида мавжуд қарашлар, ички олаmidан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашади.

Бўлажак чақириқча ҳарбий таълим ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолияти жараёнида доимо ўсиб, ривожланиб, ўзгариб турадиган инсон билан иш кўрганлиги боис уларга нисбатан айнан бир қолипдаги ёки шаблонлар асосида таъсир ўтказа олмайди. Бу ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида узлуксиз ижодкорликни, доимий изланишни талаб қилади.

Ўқитувчи билан бир қаторда ўқувчиларга уларнинг ёшидан қатъий назар доимий равишда турли зиддият ва муаммоларга бой бўлган, уни ўраб турган атроф-муҳит, ижтимоий ҳаёт ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун ўқитувчи педагогик фаолиятида меҳнатни илмий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, барча таъсир этувчи методларни – тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялаш ишларини тўғри ташкил қилиш, мунтазам такомиллаштириб, жамият талабларига ҳамоҳанг тарзда тегишли тузатишларни киритиб боришни шарт қилиб қўяди.

Субъект – бу тарбияланувчи ўқувчиларга бевосита таъсир ўтказувчи ўқитувчи, тарбиячи-мураббий, ота-она, жамоа, маҳалла, ижтимоий муҳит. Таъсирнинг асосий қуроли – ўқитувчи шахси, унинг билими, тажрибаси ва малакаси. Агар ўқувчи чин кўнгилдан ўқитувчини қабул қила олмаса, унинг билимларига танқидий кўз ва шубҳа билан қарайди, бундай ўқитувчининг таъсири тарбияланувчи шахснинг кескин қаршилигига дуч келади. Натижада ўқитувчи ва ўқувчи орасида турли зиддиятлар пайдо бўлади. Қачонки ўқитувчи ўқувчи шахсига ўзининг педагогик маҳорати, яхши инсоний фазилатлари, маданияти, билими орқали маънавий-эстетик жиҳатдан ижобий таъсир кўсата олсагина, у ҳақиқий мураббий ҳисобланади. Бунинг учун эса ҳар бир ўқитувчи ўз устида мунтазам ишлаши, касбий маҳоратини бетиним ошириб бориши керак бўлади.

Ўқитувчи, тарбиячи мураббий шахсида иймон–этикод, одоб–ахлоқ, дунёқарашнинг кенглиги, фаоллик, маънавият, дилкашлик, талабчанлик, ўз

касбини, болаларни сева олиш, зийраклик, ҳозиржавоблик, вазминлик, педагогик назокат, тафаккур, қобилият, ташкилотчилик, кенг илмий савия, касбий лаёқат, маънавий эҳтиёж, интеллект, янгиликни ўзлаштириб қўллай олиш, қатъийлик, ўз мақсадлари сари интилиш, инсонпарварлик, мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаларини билдириш, фуқаролик бурчини ҳис этиш, ҳуқуқий билимдонлик мукаммал шаклланган бўлиши лозим. Таъкидлаб ўтилган ушбу хусусиятларга эга бўлмаган ўқитувчилар педагогик фаолиятнинг бирорта турини бажара олмайди ҳамда уларнинг таълим соҳасида муваффақиятларга эришишни тасаввур этиш мумкин эмас.

Шахсда мукаммал маданиятни шакллантириш асосида унда инсон ҳаётий фаолиятининг қуйидаги ажралмас таркибий қисмларига бўлган эҳтиёж ва ижобий муносабатларни мужассамлаштириш мумкин:

- табиатга (шахсда муайян инсоний фазилатларни тарбиялашга йўналтирилган ахлоқий тарбия) бўлган муносабат;
- ҳаётга (бахт, эркинлик, озодлик, виждон, биродарлик, тенглик каби тушунчаларнинг муқаддаслиги ишонч) муносабат;
- жамиятга (жамиятнинг сиёсий тизими ва қонуний асосларидан хабардор бўлиш; жамиятда шахснинг ролини ва унинг муаммоларини ўрганиш: шахснинг замонавий “МЕН” тушунчаси ва жамиятдаги ўрнини англаб етиш; ватанпарварлик тарбияси) нисбатан муносабат;
- меҳнатга (меҳнат кўникмаларини узлуксиз эгаллаб бориш) нисбатан ижобий муносабат.

Педагогик маҳорат ўқув-тарбиявий жараёнини оптималлаштиришга хизмат қиладиган педагогик мулоқотнинг инсонпарварларча муносабатда бўлиш муҳитини яратишдан бошланади. Ўқитувчининг касбий маҳорати педагогик фаолиятда намоён бўлади ва йиллар ўтган сари сайқалланиб бойиб бораверади. Маҳорат – ўқитувчи шахсини юқори даражадаги касбий билим, умуминсоний йўналиш, педагогик қобилият ва педагогик техникани педагогик фаолиятда ўз ўрнига қўйиб фойдаланишда мукаммал сафарбар этишини таъминлайди.

- Педагогик маҳорат таълим жараёнига *инсонпарварлик йўналишини* замон талаблари даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди, уни амалга ошириш имкониятларини ўзида мужассамлаштиради.
- Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг фундаментал асосини мавжуд эгаллаган *касбий билимлари* ташкил қилади. Эътироф этилаётган билимлар ўқитувчилик касбининг асосий

“устун”и ҳисобланади ва мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

- *Педагогик қобилиятлар* – **чақирикқача ҳарбий таълим** ўқитувчисининг педагогик маҳорати асосий маҳсулоти ҳисобланади касбкорликка йўналтирилган маҳоратни такомиллаштириш тезлигини таъминлайди.
- *Педагогик техника*–**чақирикқача ҳарбий таълим** ўқитувчисининг билимлари, касбий фаолиятига хос ҳислатлари, педагогик такт, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар жамоасини бошқара олишда уддабуронлиги, коммуникатив ва гностик малакаларни эгаллаши, ўқувчилар жамоасини уюштира олиши ва турли зиддиятли вазиятларни ижобий ҳал этишида билим, кўникма ва малакаларга таянган ҳолда педагогик фаолият тизимини уйғунлаштиришини таъминлайди.

Барча санаб ўтилган элементлар педагогик маҳорат тизимида бир-бири билан ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Улар педагогик фаолият соҳасидаги **чақирикқача ҳарбий таълим** ўқитувчисининг билимларини синтезлаш, самарали натижалар томонга йўналтириш ядросида мужассамлашиб ўз-ўзини ривожлантиришга хос хусусиятга эга, бунда эришилаётган муваффақиятларнинг муҳим шарти педагогик қобилиятларда намоён бўлади. Яхлитликни, ўзаро алоқадорликни ҳамда маълум бир мақсад сари йўналтириб унинг натижаларини таъминловчи восита эса педагогик техника ҳисобланади.

Умуминсоний ва миллий кадриятларга бўлган муносабат **чақирикқача ҳарбий таълим** ўқитувчиси шахсининг муҳим сифатларидан бири саналади. Инсон хусусиятларини билиш, талабчанлик, ижодкорлик ўқитувчининг муҳим касбий мезонидир. Педагогик фаолиятдаги *инсонпарвар* йўналишга эгалик маҳоратли ўқитувчи фаолияти асосини ташкил қилади ва унинг фаол педагогик позициясини белгилайди.